O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Ислом КАРИМОВ:

ҲАР ҚАЙСИ ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ ВА ҚАТЛАМНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИНИ ИНОБАТГА ОЛГАН ҲОЛДА, УМУМИЙ ГАПЛАР БИЛАН ЭМАС, АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН МАЪНАВИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ ДИҚҚАТИМИЗ МАРКАЗИДА БЎЛИШИ ШАРТ.

O'ZBEKISTON OVOZI

2000 ЙИЛ 18 МАРТ, ШАНБА

№ 34 (25.584).

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASINING SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

GAZETA 1918 YIL 21 IYUNDAN CHIQA BOSHLAGAN

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 17 март куни Оқсарой қароргоҳида Россия Федерацияси Хавфсизлик кенгаши котиби Сергей Иванов ҳамда ушбу мамлакат ҳукумати раисининг ўринбосари Илья Клебановни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари томонларнинг манфаатларига мос равишда ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Меҳмонлар ҳам, Россия Ўзбекистонни ўзининг стратегик ҳамкори, деб билишини қайд этди.

Учрашувда минтақавий хавфсизлик, икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш борасида ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

Суратларда: қабул пайти.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар

Самимий қутловлар

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муборак Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Ислом Конференцияси Ташкилоти Бош котибияти ва шахсан ўз номимдан Сиз Жаноби Олийларига самимий табриклар йўллаш ҳамда мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, халқингизга эса тараққиёт ва фаровонлик тилаш менга мамнуният бахш этади.

Қодир Аллохдан олий мақсадларга йўналтирилган исломий бирлигимиз доирасида баҳамжиҳат ҳаракат қилишни ато этишини сўрайман.

Жаноби Олийлари, Сизга бўлган юксак эҳтиромларимни қабул этгайсиз.

Доктор Азиддин ал-ИРОҚИЙ, Ислом Конференцияси Бош котиби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Ийд ал-Адҳо муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини қутлаш менга улкан мамнуният бахш этади. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, Ўзбекистон Республикаси халқига доимий тараққиёт ва ривож тилайман.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу.

Эҳтиром ила,

Ҳожи Ҳассанал БОЛКИЯХ, Бруней Султони

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ҳурматли Ислом Каримов,

Сизни ва биродар халқингизни Қурбон байрами муносабати билан чин қалбдан табриклайман.

Сизга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистон халқига тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

Ҳайдар АЛИЕВ, Озарбойжон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотуҳу

Жаноби Олийлари,

Муборак Ийд ал-Адҳо муносабати билан ўзимнинг илиқ табрик ва самимий қутловларимни йўллашдан беҳад бахтиёрман.

Ушбу байрамдан руҳланган бутун дунё мусулмонлари тинчликни мустаҳкамлаш ва тараққиёт йўлида янада жипслашишларига умид билдираман.

Жаноби Олийлари Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Шаҳобуддин АҲМАД, Бангладеш Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Ийд ал-Адҳо ва Наврўзнинг муборак айёми муносабати билан Сизга ва биродар Ўзбекистон Республикаси халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Сиз Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ ва Ўзбекистон халқига фаровонлик тилайман.

Жаноби Олийлари Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул этгайсиз.

Муҳаммад Рафиқ ТАРОР, Покистон Ислом Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Қадрдон дўстим,

Қурбон байрами муносабати билан Сизга самимий табриклар ҳам давлатингиз биродар халқига энг эзгу ниятлар, бахт ва равнақ тилаш менга катта мамнуният бахш этади.

Камоли эҳтиром билан,

Сапармурод НИЁЗОВ, Туркманистон Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Мусулмон умматининг муборак Ийд ал-Адҳо байрами муносабати билан Сиз Жаноби Олийларини, ҳукуматингиз ва қардош халқингизни Фаластин халқи ва шахсан ўз номимдан табриклайман. Сизга чин қалбдан сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилаб, биродарона эҳтиромимни изҳор этаман.

Ушбу муборак айёмда Аллоҳ Субҳонаҳу ва Таолодан мусулмон умматига ва шу жумладан, қардош халқингиз ва мамлакатингизга хайр-баракот ва фаровонлик ато этишини сўрайман.

Сиз Жаноби Олийларига Ийд ал-Адҳо муносабати билан яна бир бор эзгу тилакларимни билдириб, мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, биродар халқингиз ва мамлакатингизга тараққиёт ва фаровонлик тилайман.

Ёсир АРАФОТ, Фаластин мухторияти раиси, Фаластин озодлик ташкилоти раиси

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

Пиллачиликнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш ва ипакчилик маҳсулотлари етиштириш ҳажмларини кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Пиллачиликнинг мавжуд озуқа базасини сақлаб қолиш ва уни янада ривожлантириш, шу асосда пилла етиштиришни кўпайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Давлат ер ресурслари қўмитаси, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган вилоятлар қишлоқ хўжалиги корхоналарининг тутзорларини "Пилла-холдинг" холдинг компаниясининг туман пилла тайёрлаш ва уни қайта ишлаш корхоналарига тажриба тариқасида узоқ муддатли ижарага берсин.

Бунда ижара ҳақи ундириш ер солиғи ставкаси миқдорида белгилансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси ва республика вилоятлари бўйича 2000-2005 йилларда пилла етиштирувчи хўжаликларда ўз маблағлари ҳисобига тут қаторлари ва тутзорлар барпо этиш бўйича топшириқ уларнинг кўкариб кетишини ҳисобга олган ҳолда ҳамда 2000 йилда пилла тайёрлаш топшириғи белгилансин.

3. Белгиланснки, "Ўзбек ипаги" уюшмаси пиллачилик хўжаликларининг қишлоқ хўжалик ерларидан асосан тут уруғлиги ва экиш материали етиштириш, пиллачиликнинг озуқа базасини барпо этиш мақсадида тут дарахтлари ўтқазиш учун фойдаланиши керак.

"Ўзбек ипаги" уюшмасига пиллачилик ва пиллакашлик корхоналари эҳтиёжларидан келиб чиқиб, кўрсатиб ўтилган ер майдонларида тут дарахтлари экиш ҳуқуқи берилсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тут дарахтлари сақланиши ва уларнинг маҳсулдорлиги оширилиши учун қишлоқ хўжалиги корхоналари раҳбарларига талабчанликни оширсинлар, Ўзбекистон Республикаси Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ва "Ўзбек ипаги" уюшмаси билан келишмасдан тут дарахтлари асоссиз равишда кўпориб ташланишига йўл қўювчи раҳбарлар ва шахсларни жавобгарликка тортсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё тадқиқотлари республика маркази ҳамда "Ўзбек ипаги" уюшмаси Андижон, Наманган, Фарғона ва Сурхондарё вилоятлари ҳокимликлари билан биргаликда 2000-2001 йилларда тут парвонасини қириб ташлаш ва уни тўлиқ йўқотиш ҳамда тарқалишига йўл қўймаслик юзасидан профилактика чора-тадбирларини амалга оширсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ўзбек ипаги" уюшмаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси билан келишган ҳолда:

ҳар йили бўлажак пилла тайёрлаш мавсумида пилланинг навлари бўйича чекланган шартномавий нархлар юзасидан тавсияларни ишлаб чиқсинлар;

пилла етиштирувчи хўжаликлар билан ҳисоб-китобларни пилланинг амалдаги стандарт бўйича аниқланадиган нав таркибини ҳисобга олган ҳолда шартномавий нархларга қатъий мувофиқ ҳолда амалга оширсинлар.

7. Белгиланснки:

пилла етиштирувчи хўжаликлар пиллани ички бозорда улар томонидан "Ўзбек ипаги" уюшмасининг пилла тайёрлаш ва пиллакашлик корхоналарига маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномавий мажбуриятлар бажарилгандан кейингина сотишлари мумкин;

республикага импорт бўйича касалликка чалинган ва сифатсиз ипак қурт уруғи келтирилишига йўл қўймаслик мақсадида улар "Ўзбек ипаги" уюшмасининг Ўзбекистон ипакчилик илмий-тадқиқот институти хулосаси берилгандан кейин олиб келинади.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари М. Усмонов ва Б. Олимжонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 март.

«COSCOM» БУХОРОДА

Маълумки, бугунги кунда «COSCOM» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси республикамизнинг бир қанча шаҳарларини дунёнинг кўплаб мамлакатлари билан бир зумда улайди. Шу боис мижозлар, айниқса тадбиркорлар уяли алоқа хизмати кўрсатиш сифати ва маданияти юксак ҳамда хизмат ҳақини бошқа компанияларга нисбатан пастлиги туфайли «COSCOM»дан мамнундирлар.

Бундан салкам икки йил аввал хусусий тадбиркор М. Олимжонов раҳнамолигида Бухоро шаҳар ва вилоят аҳолисига мазкур компания хизмат кўрсата бошлаган эди. Ҳозирга қадар 500 дан зиёд тадбиркорлар бу компания мижозига айлангани учун ҳам «COSCOM»нинг Бухоро филиалини ташкил этишга сабаб бўлди. Шундай қилиб, Бухорода қўшма корхоналар сони яна бештага кўпайди. Бу ерда ишловчилар галма-гал Англия, Франция, Германия ва Россияда ўз малакаларини оширадилар.

■ Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

НАВРЎЗ ШУКУҲИ

Бобокалонимиз Алишер Навоий номи билан аталувчи вилоят ва унинг марказида байрамона кайфият. Хонадону кўчалар ва маҳаллаларда дошқозонлар осилган. Сумалак сайли. «Энг озода хонадон», «Саришталик уй бекаси», «Ибратли келинчак», «Санамлар сарвари», «Энг яхши пазанда» каби ўзига хос баҳслар, кўрик-танловлар ўтказилмоқда. Шукуҳли дамларда «Фарҳод», «Ширин» ва «Наврўз» маданият саройлари айниқса гавжум. Вилоятнинг турли бурчакларидан келган ҳаваскорлар ўз чиқишлари билан йиғилганларни мамнун этишмоқда. Наврўзолди ҳашарлари ҳам кўнгилдагидек бўлди. 100 минг тупдан кўпроқ мевали ва манзарали ниҳоллар, атиргул кўчатлари ўтқазилди. Ободонлаштириш ойлиги давом этмоқда.

— Гап фақат шаҳар кўрки ва кўринишида эмас, — дейди шаҳар ҳокими Б. Ҳамдамов. — Наврўз анъанасига мувофиқ юзлаб ҳаста кўнгиллар, ногирон ва етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, совға-саломлар улашиш режасини тузиб қўйганмиз.

Бундай тадбирлар вилоятнинг Учқудуқ, Зарафшон, Зафаробод, Нуробод шаҳарларида ҳам амалга оширилмоқда.

■ Музаффар ШАРОПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

ҲАЙРАТ ВА ОВОЗА

Бугун футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионати байроғи кўтарилади

Мана тўққиз йилдирки, миллионлаб мухлислар айни баҳор чоғи, истиқлол шабадаси эсиб турган шуурли дамларда қувончли воқеанинг шоҳиди бўлмоқдалар. Катта футболни орзиқиб кутаётган ишқибозлар ўйингоҳни янгратиб ҳайқиришга чоғланиб турибдилар. Зеро, улар ҳар сафар катта футболдан ниманидир кутадилар. У ҳам бўлса ҳайратланиш.

Жаҳон футболида ҳам ана шундай. Миллионларнинг ҳайратланиши кўп марта кузатилган. Хусусан, жаҳон кубогини уч марта, ҳатто тўрт марта қўлга киритишга чоғланган жамоаларнинг муваффақиятлари, шунингдек «Олтин маъбуда»нинг ўғирланиши ҳам ҳайратланарли бўлган. Францияда ўтказилган кейинги жаҳон чемпионатида ҳам ҳеч ким ўйламаган, умид ҳам қилмаган баъзи жамоаларнинг кутилмаганда ғалабалари унутилмас воқеа бўлиб қолди. Бундай қараганда жаҳон футбол беллашувларида Бразилия, Аргентина, Германия, Италия, Франция, Голландия жамоаларининг ҳамиша ажойиб ўйинлар кўрсатишларига ўрганиб қолганмиз. Лекин Францияда Хорватия футболчиларининг «жангу жадаллари» ишқибозларни ҳайратга солди.

Кўриниб турибдики, футбол ишқибозларини ҳайратга сола билиш ўша жамоанинг, аниқроғи ўша мамлакатнинг дунёга ованиятбилан сўзлагинг келадики, ҳақиқатдан ҳам ўша Хиросимада ўтказилган Осиё ўйинларида футболчиларимизнинг ажойиб ғалабалари ҳайрат уйғотганди.

Ҳамиша бош жамоани кучли, ҳужумкор бўлишини таъминлаш мамлакатда моҳир футболчилар тарбиялашни тақозо этади. Бу борада барча имкониятлар ишга солинаяптими, деб ўйлаб қоласан киши. Тўғри, ҳар бир жамоа мавсум бошидаёқ ё чемпионатда ўзини кўрсатиш, ё кубок учун курашда муваффақият қозониш ҳақида ўйлайди. Чунки, ҳам чемпион, ҳам кубок соҳиби бўлиш ҳар кимга ҳам насиб этмаслиги аён. Шу йил кузида бош жамоамизнинг Осиё чемпионати финалида иштирок этиши ҳаммамизга завқ бағишлайди, албатта. Лекин бундай нуфузли мусобақага терма жамоамиз қандай тайёргарлик билан боради? Гап шундаки, саралаш баҳсларида ажойиб ғалабаларни таъминланишида ўзининг катта ҳиссасини қўшган устоз Маҳмуд Раҳимовнинг кутилмаганда орамиздан кетиши кўпчиликни ташвишга солди. Узоқ изланишлардан кейин бош жамоага Россиядан Павел Садириннинг мураббий бўлиб келгани аён бўлди. Биламизки, Садирин тажрибали устозлардан. У ўз фаолияти даврида «Зенит» ва ЦСКА жамоаларини чемпион бўлиши ва кубокни қўлга киритишини таъминлаган. Янги мураббийнинг жамоамизда қандай ташкилий-тадбирий, керак бўлса тарбиявий ишлар олиб бориши ва унинг самараси қандай бўлишини вақт кўрсатади.

■ Ҳайдар НОСИРОВ

ЭКРАНДА — «АЁЛЛАР САЛТАНАТИ»

Аёл — муқаддас. Донолар бежизга «Аёл — ҳаётнинг гули, чаманнинг булбули» деб таърифлашмаган. Негаки, у ҳаётнинг энг ташвишли ва қувончли онларида руҳий мадад бера олишга қодир зот. Аёл — муқаддас, уни севмаслик — гуноҳи азим.

«Ўзбекфильм» киностудиясида Омон Мухторнинг романи асосида «Аёллар салтанати» деб номланган бадиий фильмни суратга олиш жараёни ниҳоясига етди. Яқинда Киночилар уйида ушбу бадиий фильм премьераси ўзбек ва рус тилларида бўлиб ўтди. Фильмнинг сценарийсини Юсуф Розиқов ва Маҳмуд Тўйчиев ҳамкорликда ёзган. Саҳналаштирувчи режиссёр Юсуф Розиқовдир. Бош ролни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Зокиров ижро этган.

Бадиий фильм премьераси томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Киночилар уйида ушбу фильм муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди. Уни «Ўзбеккино» ДАК раиси Темурмалик Юнусов очди. У сўнгги йиллар кино оламидаги янгиликлар ҳақида гапирар экан, «Аёллар салтанати» бадиий фильмининг суратга олиниши ўзбек киносидаги катта ходисалардан бири эканлигини алоҳида қайд этди. Сўнгра фильм ижодкорлари журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб бердилар.

■ **Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎзА мухбири**

ИСЛОҲОТ ВА МАСЪУЛИЯТ

ДУНЁГА ТАНИЛИШ ОСОН ЭМАС

Маълумки, шўролар давлати 90-йиллар бошига келиб парчаланиб кетди. Шу вақтда биринчилар қаторида доно, довюрак, узоқни кўра билувчи Ислом Каримов бошчилигида ўзбек халқи мустақил давлат бўлди. Мана орадан қисқа вақт ўтдики, уни бутун дунё таниб, тан олди. Ўзбекистон иқтисодий, маданий- маънавий ва тинчликсевар сиёсати, тадбиркорлик билан қўлга киритилган ютуқлар туфайли дунё халқига танилиб, намуна бўлмоқда. Буни қатор давлат бошлиқлари ва арбобларининг юборган табрик-телеграммалари исботлаб турибди. Мустақиллигимизнинг саккиз йиллиги муносабати билан Президентимизнинг 25 августдаги Фармони республикада фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш ва спортни ривожлантиришдаги улкан хизматлари, мамлакатимиз истиқболини мустаҳкамлаш ва тинчликни, барқарорликни сақлашга, халқимизнинг маънавиятини юксалтиришда қўшган муносиб ҳиссаси учун орден ва медаллар билан тақдирланганларнинг 14 нафари, давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва иқтисодий-ижтимоий соҳалар ходимлари орасида 26 нафари, шунингдек таълим тизимида алоҳида хизмат кўрсатганлар орасида 18 нафари андижонликлар.

Вилоят халқ хўжалиги тармоқларида ислоҳотлар ўтказилиб, иқтисодиётида туб ўзгаришларга, ижтимоий-маънавий ҳаётида ўзига хос янгиланишларга йўл очилди. Саноат корхоналари давлат тасарруфидан чиқарилиб, ҳиссадорлик жамиятига айлантирилди. Вилоятда 41 та хорижий давлат билан ҳамкорликда 81 та қўшма корхона ташкил этилган.

Андижонда саккиз йил аввал бирорта ҳам хорижий инвестор улуши бор корхона бўлмаган. Бугун 78 қўшма корхона рўйхатдан ўтиб шулардан 53 таси фаолият бошлаган корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ўз сифатига кўра жаҳон андозасига тўла жавоб беради.

«ЎзДЭУ», «ЎзДонЖУ ПЕИНТ» ва бошқа қўшма корхоналардаги замонавий ускуналарда ишлаш учун ёшлар ва мутахассислар хорижий мамлакатларда ўқиб, касб-маҳоратларини ошириб келди. «АнТЕКС» ҳиссадорлик жамияти тўқимачилик мажмуаси қуриб фойдаланишга топширилиши Президентимизни қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш, саноатнинг олиб кирилишига алоҳида аҳамият қаратишидандир.

■ **Абдурашид НОРМУҲАМЕДОВ, тарих фанлари номзоди, доцент**

ПАРТИЯ ВА ҲАЁТ

ОГОҲЛИК — ДАВР ТАЛАБИ

«Огоҳлик —давр талаби» мавзуидаги ЎзХДП Бешариқ туман кенгаши фаоллари йиғилишида кенгаш биринчи котиби А. Ёқубов ҳудуддаги бошланғич партия ташкилотларининг ҳозирги долзарб вазифалари тўғрисида маъруза қилди ва эътиборни ёшлар ўртасида олиб борилаётган тарбиявий ишларни кучайтириш, айрим ёшларнинг диний оқимларга берилишининг олдини олиш масалаларига қаратди. Бу ишда жамоат ташкилотлари, биринчи ўринда сиёсий партиялар ҳам жавобгар эканлигини, ақидапарастлик ва диний оқимларга аралашиб қолган фуқаролар билан ишлашда жамоат ташкилотларининг ўрни сезилмаётгани таъкидланди. Шунингдек, ёшларни иш билан таъминлаш, уларнинг бўш вақтларини унумли ташкил этишда шу ишга мутасадди ташкилотлар фаолиятида қатор камчиликлар борлиги, айниқса, қишлоқ ёшлари ўртасида маданий тадбирлар, спорт мусобақалари кам ўтказилаётгани аниқ фактлар асосида танқид қилинди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар ёшларни Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, улар ўртасида ҳуқуқий тарбияни кучайтириш, бу ишга маҳалла оқсоқоллари, уларнинг маслаҳатчилари, ўқув юртлари, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари эътиборини кучайтириш лозимлиги тўғрисида жон куйдириб гапирдилар.

Ёшлар ўртасида оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказиш, шунингдек ақидапарастлик ва диний оқимларга қарши курашни кучайтириш юзасидан ХДП туман ташкилоти, «Камолот», «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» жамғармалари ва бошқа қатор ташкилотлар, маданият, меҳнат ва бандлик, халқ таълими бўлимлари биргаликда тадбирлар режасини белгилаб олдилар.

Йиғилишга туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Т. Эркабоев якун ясаб, ана шу аниқ режалар асосида ишларни жонлантириш зарурлигини таъкидлади.

■ **Алишер ИБОДИНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ИПАК ЙЎЛИ ТАРИХИ»

Тошкентда «Ўзбекистон Республикасида фуқаролик таълими учун ўқув материаллари яратиш» халқаро лойиҳасининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

— Мазкур лойиҳа Корея Республикасининг ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссияси томонидан таклиф этилганди, — деди «Туркистон-пресс» мухбирига ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси маслаҳатчиси Комилжон Каримов. — Биз ушбу ғояни қўллаб-қувватлаб, уни амалга оширишда иштирок этдик. Биз билан биргаликда лойиҳа устида Ўзбекистон Халқ таълим вазирлиги мутахассислари, БМТ ваколатхонаси, «Очиқ жамият — Ўзбекистон» институти ходимлари иш олиб бордилар. Лойиҳани амалга ошириш учун махсус гуруҳ тузилиб, унга таниқли ёзувчилар, тарихчилар, педагоглар, халқ таълими соҳасининг бошқа экспертлари кирдилар. Улар томонидан «Ипак йўли тарихи» дарслиги яратилди. Чиройли безатилган ушбу китоб ўзбек ва инглиз тилларида 5500 нусхада босиб чиқарилди. Дарсликда Буюк ипак йўли дунёнинг 21 мамлакатида тараққий топганлиги ҳақида ҳикоя қилувчи мақолалар киритилган. Бундан ташқари, ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари учун махсус услубий қўлланма ҳам ишлаб чиқилдики, бу янги дарсликдан муваффақиятли фойдаланиш имконини беради.

— Лойиҳа икки қисмдан иборат эди, — таъкидлади К. Каримов. — Гап шундаки, у китобни нашр қилиш билан бирга, «Ипак йўли тасвирлари» болалар танлови ўтказишни ҳам назарда тутган эди. Танловда Ўзбекистоннинг барча ҳудудлари ўқувчилари қатнашишди. Улар ўз ишларида асрлар давомида дунёнинг турли мамлакатлари халқларини бир-бири билан боғлаб келган савдо-сотиқ йўли ҳақидаги ўз тасаввурларини акс эттиришди.

Лойиҳанинг тақдимот маросимида ушбу ижодий беллашув ғолибларига дипломлар ва совринлар топширилди.

■ **«Туркистон-пресс»**



Наманган туманида жами 156 та бригаданинг 138 тасида 138 гектар майдонга плёнка остига эртанги картошка экиш бошланди. Экилаётган картошка пишиб етилгандан сўнг иш ҳақи сифатида туман хўжаликлари меҳнаткашларига тақсимланади.

Туманда Қозоқжон Солиев номидаги очиқ турдаги корпорацияда ҳам жами 12 та бригада деҳқонлари 12 гектар майдонга плёнка остига картошка экмоқдалар. Қишлоқ меҳнаткашлари бу йил гектаридан 200 центнердан, жами 240 тонна картошка олиш ниятидалар.

Суратда: 1. Қозоқжон Солиев номидаги корпорация раиси Ҳакимжон Холбоев ва 4-бригада ижарачиси Умаржон Қориевлар уруғлик картошка сифатини кўришмоқда.
2. Картошка экиш пайти.

■ **Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган суратлар**

САБОҚ

ФАКТОРИНГ ВА ЛИЗИНГ НИМА?

Маълумки, пул маблағларисиз хўжалик фаолиятини тасаввур этиб бўлмайди. Кичик корхоналар молиявий таъминотида ҳал қилувчи ролни корхоналар молиявий ресурслари ўйнайди, шунингдек, улар корхона такрор ишлаб чиқариш жараёнларини молиялаштириш имкониятини белгилайди.

Корхона молиявий ресурслари унинг ихтиёрида бўлган пул маблағлари фондларининг мажмуидан иборат. Кичик корхоналар молиявий ресурсларининг ташкил топиш манбалари сифатида қуйидагилар кириши мумкин: фойда, амортизация ажратмалари, банк кредитлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш фонди (Бизнес фонд)нинг, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг ҳамда бошқа молиявий фондларнинг имтиёзли кредитлари, корхона аъзоларининг пай ва бошқа турли бадал тўловлари.

Кредит узоқ вақтларгача корхонанинг молия-кредит институтлари билан ўзаро иқтисодий муносабатларини ифодаловчи ягона молиявий шакли бўлиб келди. Кредитнинг объектив зарурлиги корхона индивидуал такрор ишлаб чиқаришининг хусусиятларидан келиб чиқади. Хўжалик юритишнинг бозор шароитлари сифат жиҳатдан янги кредит механизмининг яратилишини талаб этади. Бозор шароитлари ва талабларига мос кредит механизмини яратишда кредит, пул ва товар каби дастакларнинг ўзаро алоқаси ва умумий ривожланиш хусусиятлари ҳисобга олинмоғи лозим.

Факторинг ва лизинг операциялари иқтисодчилар томонидан эндигина кенг ўрганила бошланди. Чет эл тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий адабиётда мазкур тушунчаларни маълум тарзда талқин қилишга уринишлар бўлди. Айрим иқтисодчилар факторинг операцияларининг моҳиятини «банкнинг факторинг бўлинмалари томонидан ўз мижозларига вақтида келиб тушмаган дебиторлик қарзлари эвазига кредит бериш» деб тушунадилар. Иқтисодчиларнинг баъзилари эса бу тушунчанинг мазмунини савдо комиссион операцияларининг бир тури сифатида факторинг компанияси томонидан унинг мижози бўлмиш мол етказиб берувчи юборган товар, бажарган иш бўйича тўланмай қолган талабномалар эвазига улар оборот капиталининг кредитлашуви дея тушунадилар.

Тижорат банклари кредит операциялари таркибида мазкур молиявий шакл эндигина ривожланиб келмоқда. Кичик корхоналар молиявий ҳолати кўпроқ ташқи омиллар таъсирида рўй бераётган бозор муносабатларининг шаклланиши шароитида кичик корхоналарга факторинг хизмати улар учун таянч вазифасини ўтайди ҳамда улар молиявий таъминотига сезиларли ёрдам кўрсатади. Факторинг компаниялари билан бир қаторда лизинг компаниялари ёки тижорат банкларининг махсус бўлимларининг фаолияти яна бир молиявий шакл лизинг операцияларининг шакллланаётганлигини билдиради. Сўзнинг кенг маъносида лизинг — моддий ресурсларни алоҳида ишлаб чиқарувчи манфаатларида келгусида сотиб олиш ҳуқуқи билан ижарага олинишидир. Мазкур молиявий шакл Ғарб давлатларида кенг қўлланилади.

Молиявий лизинг операцияси банк кредитига бирмунча яқин операция бўлиб, асосий воситаларнинг келгусида сотиб олиш шарти билан узоқ муддатли ижарага берилишини хусусиятлайди. Лизинг операциялари мазкур молиявий битимнинг ҳар иккала қатнашчиси учун ҳам ижарачи, ҳам ижарага берувчи учун қулай ва манфаатлидир. Ижарага берувчи учун молиявий лизинг маълум муддатларга узайтирилган кредит муносабатлари бўлиб, келгусида моддий ресурсларнинг сотиб олинишини ифодалайди.

Ижарага берувчи учун молиявий лизинг муҳим иқтисодий қурол бўлиб, унинг ёрдамида корхона молиявий активларининг ликвидлилиги муаммоси ҳал этилади. Ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилмаётган, корхона балансида мавжуд моддий бойликлар сурункали ликвидсиз маблағлардир. Мазкур моддий бойликларни ижарага бериш ҳисобига корхонада ўз молиявий ҳолатини бирмунча яхшилаб олиш ва шу билан молиявий бошқариш вазифаларини тезроқ ижобий ҳал этилиши мумкин. Натижада, ликвидсиз молиявий активлар корхона даромадини шакллантирувчи молиявий манбага айланади.

Умуман, шундай хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистонда кичик корхоналар тараққиёти ривожланиш босқичида турибди. Уларнинг кенг фаолияти учун барча объектив заминлар мавжуд. Шунинг учун мазкур секторнинг иқтисодиёт умумий таркибига тўлақонли киритилиши учун кичик корхоналар молиясини ташкил этиш ва унинг келгуси тараққиётнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир. Асосий йўналишлар, бир томондан, кичик корхоналар иқтисодиётидаги вазифалари билан ҳамда иккинчи томондан, халқ хўжалигининг истиқболли тармоқлари тараққиётининг зарурлиги ва ҳозирги замон индустриясининг ривожланиш йўналишлари билан белгиланмоғи лозим.

■ **Олимжон ЖУМАНОВ, иқтисод фанлари доктори, профессор**

ФОЗИЛА АЁЛ — БОШДАГИ ТОЖ

дейди Ромитан туман судининг судьяси Қурбонгул Эргашева

Суҳбатдошимиз ҳақида: Қурбонгул Эргашева 1963 йилда Бухоро шаҳрида туғилган. 1988 йилда Самарқанд давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетини тугатган. Бухоро шаҳар Файзулла Хўжаев туман ички ишлар бўлими, Бухоро вилоят адлия бошқармасида турли вазифаларда ишлаган. 1996 йилдан буён эса Ромитан туман судининг судьяси. Оилали, икки нафар фарзанди бор.

— Қурбонгул Муродовна, инсон ўзлигини таний бошлабдики, яратганнинг эҳсони бўлмиш — тафаккури тубида гўзаллик, поклик, нафосат ва муҳаббат маъбудаси — аёл қиёфасида намоён бўлган, сайқал топган. Шундай эмасми?

— Дарҳақиқат, шундай. Аёл шундай қудратли зотки, дунёда ҳаёт деб аталмиш буюк аъмол унинг номи ва салоҳияти билан бошланиб, меҳр-муҳаббати ила нурафшон бўлади. Бугун туманимизда меҳнат қилаётган аёллар орасида ўнлаб ўз касбининг фидойилари, турли касб эгалари, бир сўз билан айтганда, тадбиркор аёллар етишиб чиқмоқда. Улар юрт равнақи, дастурхон тўкинлиги, соғлом авлод камолоти йўлида астойдил ишлаяптилар. Бу эса келажаги буюк давлатнинг фахридир. Аммо беш панжа баробар эмас. Аёл деганлари қанчалик шону шуҳратга бурканган бўлмасин, унинг бошида тақдирнинг минг бир ўйини айланиб турадики, ҳамма ҳам унга бардош бера олмайди. Бугунги кунда аёлларимиз ўртасида оз бўлсада, жиноятга қўл уришлар, фоҳишабозлик йўлини тутаётганлар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик балосига гирифтор бўлаётганлар, пул, молдавлат орттириш мақсадида ўз бурчини унутаётганлар ҳам учраб турибди. Бултур 11 та аёл Ромитан туман суди томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг турли моддалари билан судланиб, жавобгарликка тортилдилар.

— Ҳуқуқшунослик касбини танлашингизга нима туртки бўлган, касбингиздан фахрланасизми?

— Ёшлигимдан шу соҳани танлаганман ва бу аҳдимга на отам, на онам, на бошқалар монелик билдирмаган. Сабаби ҳаётда кўп нарсани билишни, эл осойишталигини таъминлашга ҳисса қўшишни, кимларнидир тўғри йўлдан адашмасликка даъват этишни жуда-жуда хоҳлардим. Мана, йигирма йилдирки, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида ишлаяпман. Қанчалик қийин бўлмасин, ўз касбим билан фахрланаман. Бунинг устига турмуш ўртоғим ҳам милиция ходими. Биз бир-биримизни яхши тушунамиз. Шу боис ҳамкор-ҳамнафас, бир-биримизга ишонч-садоқат тобора мустаҳкамланиб боради.

— Ҳаётда ёмон кўрганингиз нима?

—Дилозорлик. Айтадиларки, дилозордан худо безор, деб. Хусусан, бизнинг касбимизда бундай қусур бўлса жуда катта хатога йўл қўйилиши аниқ. Кўпчиликнинг назарида судлар жазоловчи сифатида намоён бўлади. Аслида бу тасаввур нотўғри. Судья ҳам инсон, унда ҳам қалб бор. Судья аёл бўлса-чи? Тасаввур қилинг, мамлакатимизда ҳар бир фуқаро ўзининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали тиклаши, ўз манфаатини суд орқали ҳимоя қила олиш ҳуқуқига эга. Унга қайсидир маънода адолатсизлик, инсофсизлик қилингчи? Судья деган номга хиёнатдан бўлак нарса эмас бу! Мен ҳамкасбларимизнинг ҳамиша ва ҳамма вақт адолатли, инсофли, беғараз ва холис, комил бўлишларига ҳамда ўзим ҳам шунга амал қилишга интиламан.

— Айни кунда судья сифатида сизни кўпроқ нималар қийнайди? Қандай ҳолатларга тушгансиз фаолиятингизда?

— Ўзим аёл бўлганим учун хотин-қизларнинг билиб-билмай жиноят йўлига кираётганлари кўпроқ безовта қилади. Ҳур замонда уларни ноўрин ҳаракатга нима ундади, бири она, бири ҳали келинчак. Оилавий низолар, қўйди-чиқдилар. Бултур туман бўйича 48 та фуқаролик ишини кўрганмиз. 28 та оила сақлаб қолинди. Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги ишни кўраётганимда жуда изтиробга тушаман. Кўпинча эр билан хотиннинг ярашишига имконият бераман. Жаҳл устида суд остонасига қадам босиб келиш, ўртадаги болалар етим қолишига сабабчи бўлишини ота-оналар пайқашмайди. Бухоро туманида яшовчи Азима Баратова ишини кўраётганимда кўзларимда ёш қалқди. Ҳозир бу аёл бир умр биздан миннатдор. Охирги пайтларда судга хотини хиёнатидан шикоят қилиб, ажрашиш учун ариза берувчи эркаклар кўпроқ учраши жуда ачинарлидир. Минг афсуски, эрининг бу аризасига қарши чиқаётган аёллар сони камайиб боряпти. Ёки бошқача қилиб айтганда, эрига қилган хиёнатини бўйнига олаётган аёллар ҳам учраб турибди. Бу ҳолни қандай изоҳлаш мумкин? Бу тўқликка шўхликми ёки яхши яшашга «интилиш»нинг бир кўринишими? Йўқ, асло! Бу енгилтаклик, калтабинлик, ўз кўнглини жиловлай олмаслик! Қадимда халқимизда фозила аёл — бошдаги тождир, дейилган. Аёл табиатан оналик бахтига ташна бўлади. У ўз умрини хонадон файзини, осойишталигини таъминлашга сарф этишни жуда-жуда истайди. Бу унинг бурчи ва вазифаси эмас, балки олий, илоҳий, муқаддас истагидир. Шу боис ҳамиша ўзлигингизга қайтинг, аёллар, деб даъват қилгим келади.

— Барча соҳада бўлгани каби мамлакатимизда суд ислоҳоти ҳам амалга оширилянти. Шундан келиб чиқиб, янги асрда судьяларда қандай хислатнинг устувор бўлишини истардингиз?

— Мустақиллик эълон қилингандан буён ўтган тарихан қисқа давр ичида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимида туб ўзгаришлар юз бердики, биз бунинг шоҳидларимиз. Инсон ҳуқуқлари олий қадрият экан, судлов жараёнида адолат тушунчаси ҳар бир ҳамкасбимиз фаолиятида устувор бўлиши шарт. Буюк бобомиз Амир Темур «Куч — адолатда», деб бежиз айтмаган.

■ **Суҳбатдош: Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

«ЎЗБЕКГАЗСУВҚУРИЛИШ»

Очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2000 йил 19 май куни соат 10⁰⁰ да Очиқ акциядорлик жамияти ўзининг навбатдаги VII — Умумий йиғилишини (конференциясини) ўтказади. Йиғилиш Тошкент шаҳри, Беларик кўчаси, 22-уйда жойлашган ОАЖнинг маъмурият биносида бўлиб ўтади.

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 1999 йилдаги молия хўжалик фаолияти якунлари ва 2000 йил режаларини асосий йўналишлари тўғрисида ҳисобот.
2. Тафтиш комиссияси ҳисоботи.
3. 1999 йилдаги фойдани тақсимлаш, дивидендлар миқдорини белгилаш ва тўлаш тартибларини тасдиқлаш.
4. ОАЖ аудиторини тақсимлаш.
5. Аудитор текшируви ва йиллик баланси тасдиқлаш тўғрисида.
6. ОАЖ Кузатув кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида.
7. Конференциядан конференцияга ўтган давр ичида Кузатув кенгаши қабул қилган қарорларни тасдиқлаш тўғрисида.
8. Бошқа масалалар.

Маълумот учун телефонлар: 53-63-25, 53-52-44, 53-52-21.

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Ўзбекистон матбуоти» журнали таҳририяти журнал бўлим мудири, «Ўзбекистон овози» газетаси собиқ ходими Ҳамид Султоновга қайнонаси **Тошхон ТУРОПОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор қилади.

«ТУРОН ДАРМОНАСИ» БУЮМ ЮТУҚЛИ ЛОТЕРЕЯСИ БЎЙИЧА 2000 ЙИЛ 9-10 МАРТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ЎТКАЗИЛГАН ЮТУҚЛАР ТИРАЖИНИНГ

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

ТИРАЖДА УМУМИЙ СУММАСИ 50 МЛН.СЎМЛИК 101669 ТА БУЮМ ЮТУҚЛАРИ ЎЙНАЛДИ.

ТИРАЖ ҲОМИЙСИ «УЗДУНРОБИТА» ҚЎШМА КОРХОНАСИ

UZDUNROBITA cellular

Серияси ва рақами қуйидагича бўлган лотерея билетларига ютуқлар чиқди:

СЕРИЯ РАҚАМИ	БИЛЕТ РАҚАМИ	ЮТУҚНИНГ НОМИ	ЮТУҚ ҚИЙМАТИ
000004	1-100	Авторучка	160,00
000006	1-100	Авторучка	160,00
000009	098	Моноблок	100000,00
000010	1-100	Эркаклар соати	500,00
000016	1-100	Авторучка	160,00
000023	1-100	Авторучка	160,00
000027	057	Моноблок	100000,00
000040	1-100	Авторучка	160,00
000050	1-100	Авторучка	160,00
000053	030	Супер ютук	2000000,00
000060	1-100	Авторучка	160,00
000062	072	Бустон санаториясига йулланма	40000,00
000069	005	Авторучка	160,00
000070	1-100	Авторучка	160,00
000072	1-100	Авторучка	160,00
000078	1-100	Авторучка	160,00
000083	1-100	Авторучка	160,00
000122	1-100	Авторучка	160,00
000141	1-100	Авторучка	160,00
000144	1-100	Авторучка	160,00
000165	1-100	Авторучка	160,00
000197	1-100	Авторучка	160,00
000199	039	Уздунробита базасига уланган уяли телефон	100000,00
000201	1-100	Авторучка	160,00
000209	1-100	Авторучка	160,00
000229	1-100	Авторучка	160,00
000241	1-100	Авторучка	160,00
000244	1-100	Авторучка	160,00
000254	070	Моноблок	100000,00
000264	1-100	Авторучка	160,00
000285	1-100	Эркаклар соати	500,00
000292	1-100	Авторучка	160,00
000298	1-100	Авторучка	160,00
000305	065	Бустон санаториясига йулланма	40000,00
000306	1-100	Авторучка	160,00
000325	1-100	Эркаклар соати	500,00
000326	1-100	Авторучка	160,00
000332	038	Авторучка	160,00
000357	1-100	Авторучка	160,00
000364	1-100	Авторучка	160,00
000370	1-100	Авторучка	160,00
000383	1-100	Авторучка	160,00
000392	1-100	Эркаклар соати	500,00
000396	1-100	Авторучка	160,00
000402	1-100	Авторучка	160,00
000405	1-100	Авторучка	160,00
000422	001	Авторучка	160,00
000438	001	Бустон санаториясига йулланма	40000,00
000463	1-100	Авторучка	160,00
000470	1-100	Авторучка	160,00
000472	1-100	Авторучка	160,00
000476	1-100	Авторучка	160,00
000478	1-100	Авторучка	160,00
000497	1-100	Авторучка	160,00
000507	1-100	Авторучка	160,00
000511	1-100	Эркаклар соати	500,00
000520	1-100	Авторучка	160,00
000521	1-100	Авторучка	160,00
000525	1-100	Авторучка	160,00
000529	1-100	Эркаклар соати	500,00
000540	1-100	Авторучка	160,00
000573	1-100	Авторучка	160,00
000576	1-100	Авторучка	160,00
000579	1-100	Авторучка	160,00
000588	1-100	Авторучка	160,00
000602	1-100	Авторучка	160,00
000610	042	Бустон санаториясига йулланма	40000,00
000611	1-100	Авторучка	160,00
000613	087	Авторучка	160,00
000618	1-100	Авторучка	160,00
000620	1-100	Авторучка	160,00
000641	1-100	Авторучка	160,00
000643	1-100	Авторучка	160,00
000656	057	Авторучка	160,00
000674	1-100	Авторучка	160,00
000684	1-100	Авторучка	160,00
000692	1-100	Авторучка	160,00
000698	025	Tico автомобили	900000,00
000701	1-100	Авторучка	160,00
000715	1-100	Авторучка	160,00
000716	002	Моноблок	100000,00
000720	1-100	Авторучка	160,00
000727	1-100	Авторучка	160,00
000736	1-100	Авторучка	160,00
000743	1-100	Авторучка	160,00
000753	1-100	Авторучка	160,00
000763	1-100	Авторучка	160,00
000770	1-100	Авторучка	160,00
000787	1-100	Авторучка	160,00
000798	1-100	Авторучка	160,00
000811	018	Моноблок	100000,00
000820	1-100	Авторучка	160,00
000821	1-100	Авторучка	160,00
000823	1-100	Авторучка	160,00
000825	051	Бустон санаториясига йулланма	40000,00
000838	1-100	Эркаклар соати	500,00
000843	1-100	Авторучка	160,00
000849	1-100	Авторучка	160,00
000860	045	Авторучка	160,00
000872	014	Бустон санаториясига йулланма	40000,00
000880	079	Моноблок	100000,00
000881	1-100	Авторучка	160,00
000894	1-100	Авторучка	160,00
000908	004	Бустон санаториясига йулланма	40000,00
000911	070	Моноблок	100000,00
000937	1-100	Эркаклар соати	500,00
000949	1-100	Авторучка	160,00
000956	1-100	Авторучка	160,00
000968	1-100	Авторучка	160,00
000976	1-100	Авторучка	160,00
000987	1-100	Авторучка	160,00
000988	1-100	Авторучка	160,00
001010	1-100	Авторучка	160,00
001011	1-100	Авторучка	160,00
001021	1-100	Авторучка	160,00
001069	1-100	Эркаклар соати	500,00
001073	1-100	Авторучка	160,00
001079	1-100	Авторучка	160,00
001091	1-100	Авторучка	160,00
001095	1-100	Авторучка	160,00
001096	1-100	Авторучка	160,00
001102	1-100	Авторучка	160,00
001111	089	Бустон санаториясига йулланма	40000,00
001143	1-100	Эркаклар соати	500,00
001144	1-100	Авторучка	160,00
001159	1-100	Авторучка	160,00
001165	1-100	Авторучка	160,00
001169	1-100	Авторучка	160,00
001184	081	Авторучка	160,00
001192	1-100	Авторучка	160,00
001193	1-100	Авторучка	160,00
001207	1-100	Авторучка	160,00
001211	1-100	Авторучка	160,00
001213	081	Моноблок	100000,00
001214	1-100	Авторучка	160,00
001218	1-100	Эркаклар соати	500,00
001219	1-100	Авторучка	160,00
001229	1-100	Авторучка	160,00
001233	075	Авторучка	160,00
001241	1-100	Авторучка	160,00
001244	1-100	Авторучка	160,00
001250	1-100	Авторучка	160,00
001257	1-100	2X3 улчамли палас	5000,00
001260	1-100	Авторучка	160,00
001281	059	Моноблок	100000,00
001287	1-100	Авторучка	160,00
001293	1-100	Авторучка	160,00
001320	1-100	Авторучка	160,00
001337	1-100	Авторучка	160,00
001342	1-100	Авторучка	160,00
001348	1-100	Авторучка	160,00
001357	088	Моноблок	100000,00
001366	022	Авторучка	160,00
001370	1-100	Авторучка	160,00
001387	075	Авторучка	160,00
001389	042	Авторучка	160,00
001411	1-100	Авторучка	160,00
001417	1-100	Авторучка	160,00
001427	1-100	Авторучка	160,00
001432	1-100	Эркаклар соати	500,00
001436	1-100	Авторучка	160,00
001437	1-100	Авторучка	160,00
001439	1-100	Авторучка	160,00
001440	1-100	Авторучка	160,00
001442	1-100	Авторучка	160,00
001450	1-100	Авторучка	160,00
001452	1-100	Авторучка	160,00
001454	1-100	Авторучка	160,00
001459	1-100	Авторучка	160,00
001460	1-100	Авторучка	160,00
001466	098	Моноблок	100000,00
001467	1-100	Авторучка	160,00
001483	1-100	Авторучка	160,00
001502	1-100	Авторучка	160,00
001503	1-100	Авторучка	160,00
001508	030	Моноблок	100000,00
001515	1-100	Авторучка	160,00
001516	1-100	Авторучка	160,00
001517	1-100	Эркаклар соати	500,00
001533	003	Бустон санаториясига йулланма	40000,00
001534	1-100	Авторучка	160,00
001544	1-100	Авторучка	160,00
001562	1-100	Авторучка	160,00
001569	1-100	Авторучка	160,00
001578	1-100	Авторучка	160,00
